

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИ ВА ДЕМОГРАФИЯ АСОСЛАРИ”  
модули бўйича  
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент — 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** З.Н.Тожиева – география фанлари доктори, профессор

**Тақризчи:** М.М.Эгамбердиева – география фанлари номзоди, доцент

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА:**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>49</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>53</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>58</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда, дастурда

тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

#### **Модулнинг вазифалари:**

- “География” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“География” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига кўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- аҳоли географияси ва демография соҳасида юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияларини, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқини, давлат фаолиятининг турли соҳаларида аҳоли билан боғлиқ жараёнларни ўзаро боғлиқликда қўллаш принциплари ва усулларини;

- давлат бошқаруви ва унинг секторларида жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва айни пайтда истеъмолчиси сифатида жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган аҳоли ва унинг таркибини таҳлил қилиш, аҳоли карталарини лойиҳалаш ва тузиш усусларини билиши зарур;

#### **Тингловчи:**

“Аҳоли географияси ва демография асослари” модулини

ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

– ҳудудларда аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари сони ва динамикаси, тузилиши, таркиби, аҳолининг ёш-жинс ва миллий, этник, ирқий ва диний таркибини таҳлил қилиш; аҳоли карталарини лойиҳалаш ва тузиш **кўникмаларига эга бўлиши** зарур;

#### Тингловчи:

– аҳоли такрор барпо бўлиши ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари, аҳоли сони ва динамикаси, таркиби ва жойланиши қонуниятлари ҳақида билимлар бериш, бунинг асосида хуносалар чиқариш;

- бошқарувда аҳоли демографик ривожланиши ва жойланиши масалаларига илмий ёндошиш, таълим-тарбия жараёнида аҳамияти ва тингловчиларда уларни аниқ илмий-назарий таҳлил қилишни вужудга келтиришга эришиш;

- аҳоли географияси ва демография соҳасида эришилган ютуқларни ва инновацияларни олий таълим тизимига тадбиқ этган ҳолда, муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

#### Тингловчи:

– аҳоли географияси тадқиқотларида ГАТ (GIS) технологияларидан фойдаланиш;

– аҳоли географияси фанининг хориж ва республикамиздаги муаммолари, ечимлари ва ривожланиш йўналишлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

– олий таълим географик фанларининг мазмунини республикамиздаги таълимнинг барча бўғинларидаги географик билим ва илм билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Аҳоли географияси ва демография асослари” модули мазмуни ўқув режадаги “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган

умумий малака талаблари билан белгиланади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим географик фанларининг мазмунини республикамиздаги таълимнинг барча бўғинларидағи географик билим ва илм билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	Назарий	Жумладан
1.	Аҳоли географияси ва демография фанларининг мазмуни ва асосий бўлимлари. Аҳоли географияси ва демография фанининг хорижда ва Ўзбекистонда ривожланиши.	6	6	4	2
2.	Демография ва геодемография. Аҳолишуносликнинг назарий асослари, демографик сиёsat ва демографик концепциялар, демографик демографик қонуниятлар, жараёнларнинг ижтимоий-иктисодий хаётга таъсири ва оқибатлари.	6	6	2	4
3.	Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатлари. Демография асослари, сиёсий демография, ҳарбий демография, амалий демография, минтақавий демография, демографик прогноз, иқтисодий демография.	6	6	2	4
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Аҳоли географияси ва демография фанларининг мазмунни ва асосий бўлимлари. Аҳоли географияси ва демография фанининг хорижда ва Ўзбекистонда ривожланиши. (4 соат)**

1.1 Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг назарий масалалари.

1.2 Аҳоли сони, динамикаси, маълумотлар манбалари, аҳоли таркиби

1.3 Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг обьекти ва предмети, мақсади ва вазифалари

**2-Мавзу: Демография ва геодемография. Аҳолишуносликнинг назарий асослари, демографик сиёсат ва демографик концепциялар, демографик қонуниятлар, демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири ва оқибатлари. (2 соат)**

2.1 Аҳоли такрор барпо бўлиши, демографик ўтиш назарияси.

2.2 Репродуктив майл ва умр кўриш давомийлиги

2.3 Аҳоли табиий ҳаракати: туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш

**3-Мавзу: Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатлари. Демография асослари, сиёсий демография, ҳарбий демография, амалий демография, минтақавий демография, демографик прогноз, иқтисодий демография. (2 соат)**

3.1 Аҳоли жойланиши, аҳоли миграцияси, демографик сиёсат, оилани режалаштириш

3.2. Аҳоли манзилгоҳлари турлари ва географик тарқалиши

3.3. Аҳоли миграцияси

3.4. Демографик сиёсат

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

**1-амалий машғулот. Аҳоли географияси ва демография фанларининг мазмунни ва асосий бўлимлари. Аҳоли географияси ва демография фанининг хорижда ва Ўзбекистонда ривожланиши. (2 соат)**

**2-амалий машғулот.** Демография ва геодемография. Аҳолишуносликнинг назарий асослари, демографик сиёсат ва демографик концепциялар, демографик қонуниятлар, демографик жараёнларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётга таъсири ва оқибатлари (4 соат)

**3-амалий машғулот.** Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатлари. Демография асослари, сиёсий демография, ҳарбий демография, амалий демография, минтақавий демография, демографик прогноз, иктисодий демография (4 соат)

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li><li>✓ ахборот таҳлили;</li><li>✓ муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li><li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li><li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li></ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>

### “Ассисмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим

олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий қўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



#### Тест

Янгилик — бу:

- A) Хабар
- B) Маълумот
- C) Даил
- D) Об-ҳаво маълумоти



#### Қиёсий таҳлил

Экология ва ландшафт, қурилиш, саноат экологияни қиёсий таҳлил қилинг.



#### Тушунча таҳлили

Шафарсозлик ва экологик архитектурани изоҳланг...



#### Амалий қўникма

Иккиласми ресурслардан фойдаланишнинг экологик асосларини аниқланг

### Вени Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар түрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилди ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жихатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## I. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

### 1-МАВЗУ: АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИ ВА ДЕМОГРАФИЯ ФАНЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ БЎЛИМЛАРИ. АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИ ВА ДЕМОГРАФИЯ ФАНИНИНГ ХОРИЖДА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШИ (4 СОАТ)

#### **РЕЖА:**

- 1.1. Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг мазмунни ва асосий бўлимлари
- 1.2. Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг  
Хорижда ва Ўзбекистонда ривожланиши

**Таянч иборалар:** Аҳоли географияси, демография, демографик билимлар, аҳолининг худудий тақсимланиши ва миграцияси.

#### **1. Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг мазмунни ва асосий бўлимлари**

Аҳоли деганда маълум худудда яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади. Мазкур гуруҳлар заминида жамият шаклланади. Ер куррасада инсоният пайдо бўлганидан то ҳозирга қадар бир қанча даврлар ўтди. Ана шу даврларда инсон, жамият ўз мавжудлигини сақлаш ва ривожланиш учун мунтазам ҳаракат қилиб келди. Ушбу жараёнда аҳоли табиий ресурслардан фойдаланиб, моддий эҳтиёжи учун зарур воситаларни яратди, хўжалик тизимини барпо этди, ривожлантирди. Ана шунга монанд ер куррасида аҳоли ва аҳоли масканларининг сони ҳам қўпайиб борди. Демак жамиятни ривожланишида уч асосий омил – аҳоли, табиий ресурслар ва хўжалик ўзаро боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамият касб этади ва география фанининг асосий объекти ҳисобланади.

Аҳоли географияси ва демография асослари география фанлари таснифидаги социал қисмга кирувчи ўз объекти ва предметига эга бўлган

алоҳида фандир. Аҳоли географиясининг ўрганиш объекти аҳоли ва аҳоли сони, динамикаси, таркиби ва тақрор барпо бўлишидаги географик фарқлар; аҳолининг худудий тақсимланиши ва жойлашуви; маданияти, турмуш тарзидаги худудий жихатлари; аҳоли миграциясининг таркиби ва йўналишлари; меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишнинг географик фарқлари; аҳоли пунктлаши ва уларнинг худудий тизимини ўрганиш ташкил этади<sup>2</sup>. Демак аҳоли географияси тадқиқотлари унинг ўрганиш объектига монанд, икки қисмга бўлинади. Уларнинг биринчиси дунё ва унинг континентлари давлатлар ва уларнинг маъмурий худудий бирликлари бўйича аҳолини ўрганиш; иккинчиси эса аҳоли пунктлапи ва уларнинг жойлашуви тизимининг худудий фарқларини таҳлил этиш. Аҳоли географияси аҳоли ва аҳоли пунктлапини ўрганар экан қўйидаги йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб боради:

Аҳоли географияси ва демография асосларининг энг муҳим вазифаларидан бири уни ўрганишда, шу соҳада мутахассислар тайёрлашда жаҳон миқёсидаги дастурларга амал қилиш, илмий, тарихий, мантиқий ёндашишdir. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ва демографик тараққиёти учун зарур бўлган қишлоқ ва шаҳарларда халқ хўжалиги тармоқларини тўғри, илмий жойлаштириш; аҳолига моддий ва майиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш; республика демографик вазиятидан келиб чиқсан ҳолда, меҳнат ресурсларидан мумкин қадар тўғри ва оқилона фойдаланиш; янги авлод учун керакли ишлаб чиқариш муассасаларини тўғри жойлаштириш (бунда Республиkaning ҳар бир ҳудуди географик ва демографик хусусиятларини назарда тутмоқ лозим); ҳам аҳоли географиясининг муҳим вазифаларига киради. Шуни алоҳида, таъқидлаш жоизки, XXI аср бошида республиканинг мустақил иқтисодий тараққиёти даврида аҳоли миграциясида, меҳнат ресурслари таркиби, шаклланиши ва жойлашувида, оила таркибida, кескин ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу жараёнларни уларнинг сабаблари, муаммолари кутилаётган оқибатларини

<sup>2</sup> Е. Л. Шувалов. География населения. Ленинград 1977, с. 8 – 9; В. А. Капылов. География населения М., 1999, с. 7; Демографический энциклопедический словарь. М., 1985, с. 87.

худудлар бўйича мукаммал ўрганиш, аҳоли рўйхати ўтказиш аҳоли географиясининг ҳам асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Аҳоли географияси ва демография асослари аҳоли ва аҳоли пунктларини ўрганар экан қуидаги йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб боради:

1. Аҳоли сони динамикаси, ижтимоий, иқтисодий, оилавий ва худудуий таркиби, такрор барпо бўлишидаги фарқлар ва уларнинг сабабларини ўрганиш.

2. Аҳоли худудий таркибидаги меҳнат ресурслари ва бу ресурслардан фойдаланишдаги географик фарқларни ўрганиш. Аҳоли бу йўналишда ишлаб чиқарувчи куч сифатида қаралади ва географиянинг хўжалик билан ва бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқасига таянади.

3. Аҳолининг худудий тақсимланиши ва миграцияисини ўрганиш. Аҳоли зичлиги ва ундаги фарқларни таҳлил қилиш, мигратсиясини айниқса, аҳолининг қўчиб келиб жойлашишини, мамлакатлар микёсида аҳоли жойланишидаги ўзгаришлар, мигратсия туфайли алоҳида худудлардаги аҳоли таркиби ва сонидаги ўзгаришларни ўрганиш шулар сирасига киради.

4. Аҳоли пунктлапи ва уларнинг худудий тизимини ўрганиш. Бу йўналиш шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлапи, уларнинг ривожланиш ва жойланиш хусусиятларини ўрганишга бағишлиданади. Аҳоли пунктлапи жойланишини географик ўрганишда аҳоли географияси ва хўжалик географияси ўртасидаги алоқа жуда мустаҳкам бўлиши керак.

5. Аҳолининг маданияти ва турмуш шароитидаги географик фарқлар ва бу фарқлар сабабларини ўрганиш. Мазкур бўлимда аҳоли географияси биринчидан сотсиология ва этнография, иккинчидан аҳолига хизмат қўрсатиш географияси, айниқса тиббиёт билан яқин ҳамкорлик қиласи. Халқлар географиясини балким, уларнинг маданият ва турмуш шароитининг миллий хусусиятлари билан биргаликда берилса, мақсадга мувофиқдир.

6. Аҳоли географиясининг тарихини ўрганиш. Ушбу бўлимда тарихий географиянинг қисми ҳисобланган ўтган тарихий даврларни олиб ўрганади.

## **1.2. Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг Хорижда ва Ўзбекистонда ривожланиши**

Бирор бир ҳудудда, маълум даврдаги аҳоли таркиби, ўтган даврдаги аҳоли такрор барпо бўлишининг натижаси, кейинги даврдаги аҳоли такрор барпо бўлишининг замини ҳисобланади. Демак, аҳоли такрор барпо бўлиши жамият тараққиёти давомидаги доимий, мураккаб жараёндир.

Тараққиёт жараёнида аҳолининг шахсий истеъмоли билан бирга аҳолининг ўзига ҳам такрор барпо этилади, яъни кишилар авлодлари тарбияланади, вояга етказилади. Шунинг учун ҳам аҳолини географик жиҳатдан ўрганаётганда учта нарсага эътибор берилиши лозим:

Ҳар қандай иқтисодий географик муаммоларни ҳар қилишда аҳолига хос бўлган ушбу хусусиятларни ўрганиш зарур. Иқтисодий географиянинг бир тармоғи ҳисобланган аҳоли географияси унинг бошқа саноат географияси, транспорт географияси, қишлоқ хўжалиги географияси тармоқлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Қолаверса, иқтисодий география ўз ичига аҳоли географиясини киритар экан энди у хўжалик географиясидан “жамият географиясига” ёки “социал-иқтисодий географияга” айланди. Аҳоли географиясининг мухим тушунчаларига бири бу аҳолининг ҳудудий таркиби, аҳолининг ва аҳолининг функционал гурухларга бўлинишдир. Аҳоли ҳаммамизга маълум бўлган қуйидаги учта функционал гурухга ажратилади:

Булардан ташқари аҳолининг миграцияси билан боғлиқ бўлган бир қанча қонуниятлар ҳам бор. Юқорида келтирилган аҳоли географиясининг тадқиқот йўналишлари аҳоли географияси предметини аниқ шакллантиришга асос бўлди. Аҳоли географиясининг предмети қатор географ олимлар томонидан белгиланган. С. А. Ковалев, Н. Ковалскаялар аҳоли географияси – аҳолининг таркиби, динамикаси ва жойлашувидаги регионал тафовутларни вужудга келтирган омилларни, аҳоли ва аҳоли пунктлапининг ҳудудий

тизимларини ҳамда уларнинг ривожланиш конуниятларини ўрганади. Шунингдек, аҳоли географияси аҳолининг дунё бўйлаб ва унинг алоҳида минтақалари, айрим давлатлари ҳамда раёнлар бўйича алмашувини ҳам ўрганади<sup>1</sup>, деб қарайдилар.

Ҳозирги даврга келиб қатор географлар аҳолининг иқтисодий-ижтимоий географиянинг шохчаси, тармоғи деб ҳисобламоқдалар. Унинг предмети қилиб аҳоли таркиби ва такрор барпо бўлишидаги географик фарқлар аҳолининг ҳудудий тарқалиши ва жойлашуви, аҳоли маданияти турли тизимдаги географик фарқлар, меҳнат ресурсларини ҳудудий гуруҳлари ва улардан фойдаланишдаги географик фарқлар; аҳоли масканлари ва уларнинг ҳудудий тизими<sup>2</sup> кабилар кўрсатилган.

Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимда аҳоли, аҳоли пунктлапи, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, социал блок таркибига киритилган холда иқтисодий блок элементлари билан биргаликда умумий тизимни ташкил этади. Демак, аҳоли географиясини ижтимоий-иқтисодий географиянинг муҳим бир тармоғи сифатида қараш ўринлидир. Ҳар қандай ҳудудий-ижтимоий-иқтисодий тизимда аҳоли муҳим рол ўйнайди. Сабаби бирон бир ҳудуддаги ишлаб чиқариш инсонсиз ривожланмайди ёки яратилган маҳсулот унинг истеъмолисиз ўз яқунини топмайди.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам аҳоли ва аҳоли пунктлапи ҳақида маълумотлар қадимий қўлёзмаларда манбаларда мавжуддир.

Қайд этилган тадқиқотларда Республикада шаҳарлар географияси ва шаклланиши омиллари, урбанизасия жараёни, қишлоқ жойларида аҳоли пунктлапини шаклланиш ҳусусиятлари, жойлашуви, меҳнат ресурслари географияси билан боғлиқ муаммолар ўрганилган.

Бугунги қунда Ўзбекистонда аҳоли географияси тадқиқот йўналишлари бўйича туманлар, вилоятлар доирасида мукаммал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий ўқув юртларида география ва бошқа аҳолишунослик

<sup>1</sup> С. А. Ковалев, Я. Ковалская ...

<sup>2</sup> Е. Л. Шувалов. География населения. М., 1977, с. 8 – 9

фанлари тизимиға киравчи йўналишларда мутахассислар тайёрлашда аҳоли географияси ва демография, бўлимларига оид курслар ўтказилмоқда.

Демография ҳам алоҳида фан сифатида ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихига эгадир. Мазкур фаннинг тарихи аҳоли ҳақидаги маълумотлар яъни демографик билимларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Демографик билимлар – аҳоли сони, ёш-жинсий ва ижтимоий таркиби, туғилиши, ўлим ҳоллари, никоҳ ва ажралиш жараёнлари, мионрасия, ҳамда оиланинг демографик ҳолатига оид маълумотлардан ташкил топади. Бундай маълумотлар жамиятнинг, айниқса давлатнинг ташкил топиши билан боғлиқ бўлиб, жуда қадимий тарихга эгадир. Илмий манбаларда қайд этилишича, аҳоли айниқса эркаклар хўжаликлар, оиласалар сонига оид демографик маълумотлар эрамиздан олдинги даврлардан бошлаб мавжуд экан. Буларга эрамиздан олдинги ИИИ – ВИ асрлардан бошлаб Осиё ва Африка давлатлари, МСР, Месопотамия, Хиндистон, Ҳитой, Япония ҳамда қадимги Рим ва Гресияда ўтказилган аҳоли рўйҳатлари орқали тўпланган маълумотлар мисол бўла олади.

Ўз саломатликларини сақлаш мақсадида мазкур маълумотларни жуда кўп фуқаролар ўқирдилар. Англиялик савдогар олим Ж.Граунт Лондон туғилиш ва ўлим ҳақидаги 80 йиллик маълумотларни ўрганиб чиқди ва 1662 иили ўзининг 90 бетдан иборат «Ўлим ҳақидаги бюллетенлар асосида олиб борилган ва мундарижада илова этилган табиий ва сиёсий кузатишлар натижалари. Кўрсатилган шаҳарнинг бошқаруви, дини, савдоси, ҳавоси, ўсиши ва бошқа ўзгаришлар ҳусусияда Лондон фуқароси Джон Гарунтнинг асари» китобини ёзди. Китоб жуда узун номланган бўлиб, ўз олдига кенг қамровли ижтимоий ҳодисаларни мақсад қилиб қўйган эди. Китобда муаллиф Лондонда улум ҳолати ва ўлимнинг ёш гурухлари бўйича атрофлича урганган. Туғилишнинг шаҳар ва қишлоқлар фарқлари, аҳоли миграцияси таҳлил этилган. Шунингдек, Ж.Граунт биринчи бўлиб, ўлимнинг математик жадвалини ишлаб чиқкан.

Ж.Граунт бу кичик ҳажмли китобчаси бир эмас уч фаннинг ривожланишига замин яратди. Бу фанлар демография, статистика ва сосиология фанлари эди. Ж.Граунт олиб борган тадқиқотларнинг давомчиси сифатида фанда «Сиёсий-арифметика» йўналиши пайдо бўлди, Мазкур фан жамиатдаги ҳодиса ва жараёнларни миқдорий қонуниятларани ўрганарди.

ХВИИИ – XIX асрларда жамият хаётидаги демографик, жараёнларни ўрганишга қизиқиши кучайди. Таникли иқтисодчилар, тарихчилар, сиёсат жунослар, астрономлар шифокорлар, математиклар томонидан демографик жараёнларнн ўрганишга доир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Ниҳоят XIX асрда А.Гийяр янги вужудга келган фанга ном берди. Унинг 1855 йилда Парижда “Инсон статистикаси элементлари, ёки қиёсий демография”, деб номланган китоби чоп этилди. Бу асарда демографиянинг мустақил фан сифатида мақсади ёритилган. А. Гийяр асарида демографияга кўп жараёнларни ўз ичига олувчи инсонларнинг табиий ва ижтимоий тарихи ва уларнинг умумий ҳаракати жисмоний, фуқаролик ва аҳлоқий ҳолатини математик тарзда ўрганувчи фан деб таъриф берилган. 1851 – 1922 йилларда яшаб ижод этишган олим Жан Бертилон (А. Гийярнинг набираси) томонидан ҳам демографиянинг фан сифатидаги ўрганувчи предметига баҳо берилади. Олим 1881 йилда ёзилган “Франция аҳолиси ҳаракатининг статистикаси” номли асарида “Демография жамоя ҳаётини ўрганиш билан шуғулланди. Унинг мақсади жамиятнинг ривожланиши, қайта тикланиши ва ниҳоят инқирозга учраб, баҳрам топишларнинг сабабларини ўрганиш.

У ҳалқнинг, ҳам жисмоний, ҳам аҳлоқий тузулишни кўриб чиқади: одамлар қандай ва нима учун никоҳ қурадилар, қай миқдорда кўпаядилар ва тадбиқ этади. Ва ниҳоят у инсонлар неча ёшда қандай вазиятда қайси сабабларга кўра, ўлишларининг сабабларини ёритади” деб ёзади.

## **Назорат саволлари**

1. Аҳоли географияси ва демография асослари фани сифатида нимани ўрганади?
2. Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг асосий бўлимлари нималарни ўз ичига олади?
3. Аҳоли географиясининг ўрганиш объекти нима?
3. Аҳоли географияси ва демография асослари фанининг Хорижда ва Ўзбекистонда ривожланишини идрок харитада изоҳланг
4. Аҳоли такрор барпо бўлишининг нечта тури мавжуд?

## **Адабиётлар:**

1. Абдалова З.Т., Тожиева З.Н. Иқтисодий география. Ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ТМИ. – Т.: «ИҚТИСОДМОЛИЯ», 2013. -212 бет.
2. Абдурахманов Қ.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Фан ва технология», 2014. - 368 б.

**2-МАВЗУ: ДЕМОГРАФИЯ ВА ГЕОДЕМОГРАФИЯ.  
АҲОЛИШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ, ДЕМОГРАФИК  
СИЁСАТ ВА ДЕМОГРАФИК КОНЦЕПЦИЯЛАР, ДЕМОГРАФИК  
ҚОНУНИЯТЛАР, ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-  
ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ. (2 СОАТ)**

**РЕЖА:**

- 2.1. Аҳоли тақрор барпо бўлиши, демографик ўтиш назарияси.
- 2.2. Демографик сиёсат ва демографик концепциялар
- 2.3. Демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири

**Таянч иборалар:** Демография, демографик сиёсат, демографик концепциялар, демографик жараён

**2.1. Аҳоли тақрор барпо бўлиши, демографик ўтиш назарияси.**

Аҳолининг тақрор барпо бўлиши жамият давомийлигини таъминловчи асосий жараён бўлиб, инсон авлодининг мунтазам янгиланиб туришидир. Инсон дунёга келиб яшайди, балоғат ёшига етиб, фарзанд кўради, насл қолдиради. Бу узвий жараён туфайли жамиатда авлодлар алмашади, аҳоли тақрор ва тақрор барпо бўлаверади. Аҳолининг тақрор барпо бўлиши жамиятнинг мавжудлигини, аҳоли сонини ўсиб боришини таъминловчи жараёндир. Лекин, у бевосита ижтимоий-иқтисодий муҳит билан боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Аҳолининг тақрор барпо бўлишида унинг табиий ҳаракати, яъни туғилиш ва ўлим асосий омил ҳисобланади. Туғилишнинг юқори бўлиши аҳоли тақрор барпо бўлиши жараёнини кучайтиради ва аҳоли сонини кўпайиб боришига олиб келади. Авлодларнинг алмашинуви, уларнинг узоқ яшashi эса ўлим жараёнига боғлиқдир. Ўз навбатида инсон ҳаётида ўлимнинг содир бўлиши қатор эндоген ва экзоген омиллар, ҳамда жамиядаги социал муҳит билан боғлиқдир. Инсон ҳамиша узоқ умр кўришга интилади. Ҳар бир жамиядаги инсоннинг узоқ умр кўриши, авлодлар саломатлиги учун ижтимоий-иқтисодий имкониятлар яратилади. Натижада

инсонларнинг узоқ умр кўришига: ўлим ҳолларини эса социал чора тадбирлар билан бошқаришга эришилади.

Авлодларни узоқ-умр кўриши, ташқи муҳит билан узоқ муроҷотда бўлиши унинг демографик майлига ҳам таъсир кўрсатади. Аҳоли тез суръат билан камайиб боришига ҳам омил бўлади. Натижада авлодлар ўртасида туғилишни, яъни насл қолдиришни бошқариш ҳоллари кенг тарқала бошлайди. Демак, аҳолининг такрор барпо бўлиши унинг табиий ҳаракатига боғлик. Аҳоли табиий ҳаракати эса ўз навбатидаги социал муҳит таъсирида ўзгариб боради.

Хозирда ер шари аҳолиси туғилиш умумий коэффициенти ҳар минг кишига 20 промиллега, аҳоли ўлими 8 промиллега, табиий кўпайиш 12 промиллега (2012 й) тенг бўлмоқда. XVIII аср охирларига қадар ер юзининг барча минтақаларида туғилиш кўрсаткичи юқори бўлган, XX асрга келиб, аксарият, ривожланган давлатларда индустрлаштириш, урбанизация жараёнларининг жадаллашуви, аёлларнинг ишлаб чиқаришда фаоллигининг авж олиши, фан-таълим соҳасидаги ривожланишлар, маданиятнинг тараққий этиши, никоҳ қуриш ёшининг кўтарилиши натижасида, туғилиш бир мунча пасайди. XIX аср охирида Европа давлатларида туғилиш юқори, ўлим паст бўлиб, аҳоли такрор барпо бўлиши интенсив ҳолатда бўлган бўлса, XX асрда худди шу аҳвол Лотин Америкаси давлатларида кузатилган. Европада бу вақтда туғилишнинг пасайиши аҳамиятли тус олган ва ҳозиргача бу жараён давом этмоқда.

Туғилиш даражасидаги ўзгаришларни энг аниқ ифодаловчи демографик кўрсаткичлардан бири туғилишнинг йифинди коэффициенти бўлиб, у маълум авлодга тегишли ҳар бир аёлнинг фарзанд кўриш даврида (ўртacha 15-49 ёш) туққан болаларнинг ўртacha сонини билдиради. Агар мазкур коэффициент қайси бир ҳудудда 4,15дан юқори бўлса, шу ҳудудда аҳоли сони тез суръат билан кўпайиб боради, аҳоли таркибида болалар (0-14 ёш) салмоғи юқори бўлиб, қариялар (65 ёш ва ундан катталар) салмоғи паст бўлади. Агар туғилишнинг йифинди коэффициенти 2,15дан кичик бўлса аҳоли жуда секин

ўсиб боради, аҳоли таркибида болаларга нисбатан қариялар салмоғи юқори бўлиб, аҳолининг демографик “қариш” жараёни рўй беради. Бу кўрсаткич 2,15дан 4,15 гача бўлса туғилиш даражаси нормал ҳисобланиб, аҳоли ўртacha меъёрда кўпайиб боради.

7-жадвал

### Аҳолининг тақрор барпо бўлиши кўрсаткичлари (ҳар1000 аҳолига нисбатан, 2012 йил)

<b>Минтақалар</b>	<b>Туғилиш</b>	<b>ўлим</b>	<b>Табиий кўпайиш</b>	<b>Механик кўпайиш</b>
<b>Бутун дунё</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>1,2</b>	-
Африка	36	11	2,5	-1
Америка	16	7	10	0
Осиё	18	7	1,1	0
Австралия ва Океания	18	7	1,1	4
Европа	11	11	0,0	2
Россия	13	14	-0,1	2
<b>Ўзбекистон</b>	<b>23</b>	<b>5</b>	<b>1,8</b>	<b>-2</b>

Манба: [Population Reference Bureau. 2012. World Population Data Sheet.](#)

1970 – 2005 йиллар давомида туғилишнинг энг тез камайиши Шимолий Америкага тўғри келади (шу давр ичида 1,6 марта камайган). Унинг асосий сабаблардан бири шаҳар аҳолисининг ўсишидир. Масалан, АҚШ ва Канадада шаҳар аҳолисининг 1950 – 1999 йилларда 64 % дан 75 – 79 % гача ўсган. Баъзи жойларда давлат томонидан олиб борилаётган туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёsat ҳам туғилишнинг камайишига олиб келади. Буни Хорижий Осиёнинг энг аҳолиси қўп давлатлари – Хитой ва Ҳиндистон мисолида ҳам қўриш мумкин. Хитойда оиласидаги болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. 1970 йиллардан бошлаб аҳоли ўртасида туғилишни камайтириш учун қатор тадбирлар қўллана бошлади. Натижада, Хитойда туғилиш кескин камайди.

БМТ маълумотларига қараганда, 1970 – 1974 йил ҳар бир аёл ўзининг фарзанд кўриш даврида ўртacha 4,8 фарзанд кўрган бўлса, 1986 – 1990 йилларда 2,1 ва 1,4 тадан фарзанд кўришган. Хитой давлати конституциясида

эр-хотин фарзанд кўриши режалаштириши зарурлиги қайд этилган. Фарзандлар туғилишини режалаштириш бўйича маҳсус комитет ташкил этилган, оилада фарзандлар туғилиши учун ҳукуматдан расмий рухсат олиниши зарур. Кеч никоҳга кириш белгиланган, институтда ўқиш давомида турмуш қуришга рухсат берилмайди. Оилани режалаштириш шиори “Бир оиласа-битта бола” сиёсати ҳозирда ўз натижасини бермоқда. Аммо, бир вақтлардаги демографик портлаш ҳисобига туғилганларнинг бугунги кунда ўрта ва нафақа ёшига етиб келаётганлиги, Хитой демографик сиёсатида яна бир катта муаммони келтириб чиқармоқда. Оқибатда, аҳоли ўртасида қариялар ва нафакўрлар сони кескин ортиши, туғилаётган оиладаги битта бола олтида одамни боқиши кутилмоқда.

Ҳиндистонда ҳам туғилиш давлат томонидан назорат қилинади. Оилада болалар сонини чеклаш миллий давлат дастури 1951 йили қабул қилинган. Бу масала юзасидан бир қанча ташкилотлар маҳсус тадқиқот олиб борадилар. Улар жумласига оилани режалаштириш ассоциацияси, Ҳиндистон Қизил ярим ой жамияти каби ташкилотлари киради. Оилани режалаштириш миллий давлат дастури Ҳиндистонда “Биз иккитамиз-бизга иккита” шиори остида иш олиб боради. Бу дастурга биноан никоҳга кириш ёши кўтарилиган. Натижада, туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиш даражалари бирмунча пасайди. Масалан, 1970 – йиллардан буён ҳар бир аёл ўз умри давомида кўрган фарзандлари сони 5,4 дан 1,7 гача камайди. Аммо шунга қарамасдан, дунёда туғилаётган ҳар 5 та чақалоқнинг 1 таси Ҳиндистонга тўғри келади. Ҳиндистонда туғилишнинг камайишига аҳоли саводлилик даражасининг ошиши ҳам таъсир этмоқда. Масалан, 1971 йили Ҳиндистон аҳолисининг 29,4 % саводли бўлган бўлса, ҳозирги даврда 40 % дан юқори аҳоли саводлидир.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши нафақат, туғилишга балки ўлим жараёнига ҳам боғлиқ. Ўлим авлодлар алмашинувидаги асосий жараён ҳисобланнилди. Аҳоли ўлими турли сабаблар натижасида рўй беради.

Аҳолининг табиий ўсиши ҳамда камайишида муҳим демографик жараён бўлиб иштирок этади.

Африка давлатларида дунё бўйича умумий ўлим кўрсаткичи ўта баланд. Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган аҳоли ўлими 15-20 %, баъзи жойларда 25 % га ҳам етади (Нигерда- 24 %). Ўлим даражаси баланд бўлган иккинчи минтақа Европа ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тараққиётiga кўра бир-биридан кескин фарқ қилувчи бу иккала географик худуд ўлим ҳодисаси кўплиги билан бир-бирига ўхшайди. Европанинг деярли барча қисмларида ўлим туғилишга нисбатан юқори. Ўлимнинг умумий кўрсаткичи ва мамлакат иқтисодий ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Жумладан, Европа иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишига қарамасдан, аҳоли ўртасида ўлим кўплиги билан ажralиб туради. Буни ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит билан эмас, балки аҳоли ёш таркибидаги вазият билан баҳолаш мақсадга мувофиқ. Европа аҳолисининг умумий ўлим кўрсаткичидаги болалар ва ўрта ёшдагилар ўртасида ўлим кам учрайди, кекса ёшдагиларда, эркакларда, аксинча, жуда баланд. Бундан ташқари, Европа аҳолиси таркибидаги экзоген омиллар туфайли содир бўладиган ўлим ҳодисаси кўп учрайди. Туғилиш даражасининг пастлиги, ўлимнинг туғилишдан кўплиги аҳолининг табиий камайишини келтириб чиқарди. Бугунги Европа демографик вазиятида айнан шундай ҳолат, туфайли қисқарган аҳоли такрор барпо бўлиши содир бўлмоқда, яъни аҳоли табиий равишда камаймоқда.

Статистик маълумотлар таҳлилидан, аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи дунёда эркакларда 68 ёш, аёлларда 72 ёшга тенглиги, яъни энг баланд аҳоли ўртача умр кўриши ривожланган давлатларга тўғри келади (эркаклар- 80, аёллар- 86 ёш). Ўртача умр кўриш ёши 80 ва ундан баланд бўлгани, аксарият, аёлларда кузатилмоқда. Аёллар ўртасида 80 ва ундан катта умр кўриш ёшига эга бўлган давлатларга Япония ( 86 йил), Гонконг (86), Финляндия (85), Швеция (84), Норвегия (83), Греция (82), Италия (84), Франция (85), Канада (83 йил) киради. Айнан мана шу санаб ўтилган

давлатларда дунё миқёсида энг кичик гўдаклар ўлими кузатилади. Кейинги 10 – 15 йил ичида дунёнинг деярли ҳамма қисмида туғилишнинг камайиб бориши, ўртacha умр кўриш ёшининг ортишига сабаб бўлди.

Узок умр кўриш ёшига эришиш ҳар бир мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишига боғлиқ бўлиши билан бирга соғлиқни-сақлаш, аҳоли соғлом ҳаёт тарзини ташкил этишдаги эришган ютуқлари билан белгиланади. Жумладан, Япония (аҳолиси ўртacha умр кўриш ёши 83 йил, аёлларда 86 йил); Швеция ва Швейцарияда (ўртacha кўрсаткич 80-82 ёш); Нидерландия, Норвегия, Франция, Австралия (82 ёш); США, Канада, Австрия, Буюк Британия, Германия, Испания, Финляндия (80—82 ёш); Ўртacha умр кўриш ёши ўртacha бўлган давлатлар (60—79 ёш) — Хитой, Руминия, Россия, Польша, Ҳиндистон, Мексика, Бразилия, кўпгина МДҲ давлатлари; Ўртacha умр кўриш ёши паст бўлган давлатлар (55 ёшдан паст) Африки, жанубий, жанубий –шарқий Осиё давлатлари киради:

БМТ томонидан 1992 йили Рио-де-Жанейрода ўтказилган халқаро конференцияда демографик муаммони ҳал этиш ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланиш дастурининг асосий қисми бўлиши кераклиги таъкидланган. Ҳар бир давлат ички имкониятидан келиб чиқиб, ўсиб бораётган аҳолисини боқиши, ҳаёти учун зарур шарт-шароит яратишда ўзининг демографик сиёсатини, мақсади ва вазифаларини белгилаб олиши зарур. Аҳоли кўпайишида нафақа, унинг табиий ҳаракати, балки механик ҳаракати, яъни миграцияси ҳам муҳим роль ўйнайди.

## **2.2. Демографик сиёсат ва демографик концепциялар**

Инсониятнинг пайдо бўлиши ва жамиятнинг ривожланиши давомида аҳоли такрор барпо бўлишини бошқариш тизимида катта ўзгаришлар кузатилган.

Демографик сиёсат деганда, ҳозирги давр ҳамда узок муддатли истиқбол учун аҳолининг такрор барпо бўлиши ва дина-микаси соҳасида

муайян бирсифат ва миқдорга эришишни назарда тутувчи бирлашган воситалар ва фикрлар бирлигининг давлат миқёсида қабул қилинган тизими тушунилади.

Демографик сиёсатни ўтказиш куйидаги шарт-шароитларга риоя қилишни талаб этади:

- сиёсатнинг мақсадини тавсифловчи вазифа ва вақтини белгиловчи концепсиянинг мавжудлиги;
- қабул қилинган концепсия доирасида сиёсатнинг барча тадбирларини молиялаштиришга сарфланиши зарур бўлган ресурслар;
- ўтказилаётган сиёсатнинг асосий стратегик фикрларини қоиловчи ўзаро мутаносиб фикрлар.

Айтиш жоизки, демографик сиёсатни ўтказиш учун иқтисодий, маъмурӣ-ҳуқуқий ва ижтимоий-психологик услуб Жирдан фойда-ланииади.

**Иқтисодий услуб** асосан туғилиш даражаси аҳои кўпайишини таъминлай олмаган ҳолларда қўлланииади. Бу услубда давлат томонидан ҳомиладор аёлларга фарзанд кўргандан кейин ва фарзанди 2-3 ёшга тўлнунга қадар маҳсус нафақалар ажратилади ҳамда турли имтиёзлар берилади.

**Маъмурӣ-ҳуқуқий услубда** аҳолининг такрор барпо бўлишига қонун ҳужжатлари орқали таъсир кўрсатилади. Масалан, бу услуб\* абортларни қонун йўх билан таъқиқлаш, никоҳга кириш ёшини қўтариш, аҳолининг мигратсион ҳаракатини чеклаш ёки ривожлантириш, эр-хотин ажрашганда она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳомиладор аёлни ишга қабул қилишда ёки бўшатища

уларнинг ҳуқуқларини ҳимоваси ва бошқа тадбирлар орқали амалга оширилади.

Демографик сиёсат ўтказишнинг **ижтимоий-психологик** услуби аҳолини «демографик тарбиялаш» деб ҳам аталади. Аҳолини демографик тарбиялаш орқали ёш авлоднинг оиласи, оиласида кутилаётган фарзандлар сонжга бўлган муносабатини давлат ижимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳои саломатлигига мос равища шакллантирилади. Бунда оила асосий

тарбия ўчоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг «демографик саводхонлиги»га катта эътибор берилади. Демографик тарбиянинг яна бир муҳим ўчоғи омма-вий ахборот воситалари орқали аҳолининг демографик майлига таъсири ўтказиш ҳисобланади.

### **2.3. Демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири ва оқибатлари**

Демографик сиёсатнинг исталган стратегияси доирасида давлат ўзининг ижтимоийжараёнларини бошқариш хуқуқини амалга оширади. Шу Ман бир вақтда, давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёсатнинг мақсад ва вазифалари оқимида бораётган аҳоли қисмининг харажатларини қоплаш ҳам давлат зиммасида бўлади. Бундай сиёсат турли ижтимоий-демографик гурухлар, ҳудудий ва этник жамоаларнинг ҳаётий қизиқишилари ва қадриятларига мос равишда максимал дифферентсиаллашган бўлиши лозим. Шундагина демографик дастурнинг у ёки бу жиҳатига қизиқувчиламинг сони камайиб, дастурларни амалга ошириш харажатларининг самарадорлиги ошиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, сиёсатчилар туғилиш даражасининг камайиши билан боғлиқ бўлган демографик ривожланишнинг салбий тенденцияларига қарамай, демографик сиёсатни олиб бориша тўғри чизиқли қарорларни қабул қилиш, яъни конкрет тор доирадаги демографик мақсадларни илгари суришни хоҳлайди. Бунда ижтимоий ривожланишнинг глобал дастурларида демографик ёки анъанавий интегратсия сиёсатига аҳамият берилади. Демографик дастурларга нисбатан бундай эҳтиёткорона муносабаталарни шакллантирувчи асосий сабаблар қўйидагилардан иборат:

- онг ва хулқнинг индивидуаллашуви давлатнинг бу йўналишдаги ҳар қандай ҳаракатларини оммалаштиrmайди;
- демографик инвеститсиялар тез ва муҳим ижобий натижаларга эришиш имконини бермаслиги сабабли давлат арбобларининг сиёсий имиджини оширмайди;

• демографик дастурлар харажатлами талаб этади. Масалан, бир рнарта эришилган туғилиш ва ўлим даражасини бир маромда ушлаб туриш учун кетадиган харажатлар вақт ўтиши билан расмий равища оширилиб бориши лозим. Бунинг ҳисобига демографик дастурлар, умуман жамиятга фойда келтирмайдигандек бўлиб кўринади. Бундан ташқари, аҳоли таклиф қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирларга тезда мослашиб, кейинчалик уларга эътибор қилмай қўяди.

Шундай қилиб, демографик сиёсат аҳоли сиёсатининг узвий қисми ҳисобланиб, у орқали қутилган, исталган аҳолининг такрор барпо бўлиш турига эришиш мумкин.

Аҳоли такрор барпо бўлишининг 2 тури кузатилаётган қатор давлатларда аҳолининг ҳаддан ошиб кўпайиб бориши, яъни “демографик портлаш” жараёнини олдини олиш муаммоси мавжуддир. Ушбу муаммони бартараф этишда туғилишни назорат этиш услубидан фойдаланилади. Давлат сиёсати оилани демографик нуқтаи назаридан режалаштиришга қаратилади. Бундай сиёсат Хитой, Хиндистон ва қатор ривожланаётган давлатларда олиб борилмоқда.

Англиялик иқтисодчи Сэмюэл Ленг “агар ҳамма етарли, қулай, яхши шароитда яшаганда эди, ҳозир дунё одамсиз қолган бўлур эди” дейди. Бундан аҳолининг моддий аҳволи, маънавий турмуш даражаси юксалиб борар экан, ўз навбатида инсон психологик нуқтаи-назардан кўп фарзанд кўришни истамайди, деган фикр туғилади.

Б.Ц. Урланис “Моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилаларнинг фарзандлари кам сонлидир” деб иқтисодий омилнинг демографик омилга кўрсатаётган таъсирини ифодалаб беради. Шунингдек, у моддий омил билан маънавий омилнинг авлодлар алмашинувига ҳамиша бир хил йўналишда таъсир этмаслигини ҳам айтиб ўтади. Аҳоли такрор барпо бўлиши, ушбу омиллар таъсирида бир-биридан фарқ қилувчи типлари вужудга келади.

Биринчи тип-бу гурухга кирувчи давлатларда яшовчи аҳоли ўртасида туғилиш ва ўлимнинг юқори даражаси ва бунга мос равища, аҳолининг кам

микдорда кўпайиши хос бўлиб, ҳозирда ушбу типга кирадиган давлатлар ер шарида жуда кам микдорда учрайди.

Иккинчи тип - давлатларига туғилиш микдори юқори, ўлим кўрсаткичи тиббиётдаги эришилган ютуқлар эвазига кескин камайиб боради. Аҳоли ёш таркиби прогрессив, кекса ва қариялар салмоғи кам сонли, болалар, ёшлар кўпчиликни ташкил этган ҳолда, аҳоли такрор барпо бўлиши ижобий баҳоланади, “демографик портлаш” кузатилади. Аҳоли такрор барпо бўлишининг кенгайган ушбу типига Африканинг барча давлатлари, Хорижий Осиё, Жанубий Американинг қатор давлатлари, Австралия ва Океания, Ўрта Осиё давлатларини киритиш мумкин.

Учинчи тип-бу типдаги давлатларда аҳоли ўлимининг кам микдори ушланиб турган ҳолда, туғилиш даражаси қисқариб боради. Аҳоли сони ҳаддан ташқари кўпайиб ёки камайиб кетмайди. Аҳолининг маълум бир микдорда ўсиши кузатилади. Ушбу типдаги давлатлар аҳоли такрор барпо бўлишининг оддий типига кирувчи давлатлар, деб аталади.

Тўртинчи тип- давлатлари аҳолиси ўз-ўзини қайта тикламайди. Ўлиб кетаётганлар мутлоқ микдори хаётга янги келаётганлар микдоридан ортиқ бўлади. Мазкур гуруҳ давлатларида “депопуляция” рўй беради, қисқарган аҳоли такрор барпо бўлишига олиб келади. Буларга Европа, Болтиқбўйи давлатлари, Шимолий Америкадаги маълум бир давлатларни, Япония, Грузия, Арманистон, Россияни киритиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Аҳоли такрор барпо бўлиши кўрсаткичлари нималардан иборат?
2. Демографик сиёsat нтима?
3. Демографик концепциялар мазмун ва унинг моҳиятини тушунтириб беринг
4. Демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири қандай ?

### **Адабиётлар:**

1. Абдалова З.Т., Тожиева З.Н. Иқтисодий география. Ўкув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТМИ. – Т.: «ИҚТИСОДМОЛИЯ», 2013. -212 бет.

2.Абдурахманов Қ.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Фан ва технология», 2014. - 368 б.

### **3-Мавзу: Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатлари. Демография асослари, сиёсий демография, ҳарбий демография, амалий демография,**

#### **РЕЖА:**

3.1 Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатлари

3.2 Ҳарбий демография, амалий демография

3.3. Демографик прогноз, иқтисодий демография

**Таянч иборалар:** Ҳарбий демография, амалий демография, Демографик прогноз, иқтисодий демография, демографик статистика

#### **3.1 Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатлари**

Бугунги кунда мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида инсон омили, унинг интелектуал салоҳияти энг биринчи омил сифатида қаралмоқда. Сўнгги пайтларда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда илмий адабиётларда демография деб номланадиган амалий демографик тадқиқотлар йўналиши жадал ривожланмоқда. Бу унчалик яхши бўлмаган сўзлар остида, қоида тариқасида, улар бизнес ва маркетингда демографик усуллар, тадқиқот натижалари ва аҳоли статистикасидан фойдаланишини тушунадилар. Демография аҳолини товарлар ва хизматларнинг потентсиал истеъмолчилари сифатида ўрганади ва демографик ўзгаришлар истеъмол бозорига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Демографиянинг асоси аҳолининг ижтимоий-демографик хусусиятларининг истеъмолчилар талаблари ва даромад даражаси орқали

истеъмолчиларнинг хулқ-атвори билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олишдир. В. Х. Эченике китобида "АҚШ: демография ва бизнес" (М., 2009) АҚШда демографиянинг шаклланишини тасвирлайди. 1970 йилда Америка Кўшма Штатлар рўйхатга олиш бюроси аҳолини рўйхатга олиш маълумотларини компьютерлаштиришга қарор қилди, бу маълумотлар ҳаммага, айниқса хусусий бизнесга тақдим этилиши учун. Демографик маълумотга муҳтож бўлган ишбилиармонларга маълумот бериш ғояси Кўшма Штатлар аҳолини рўйхатга олиш бюросида ишлайдиган М.Тёрнерга тегишли бўлиб, компаниялардан аҳолининг таркиби ва жойлашуви тўғрисида батафсил маълумот беришларини сўраб, компаниялардан кўплаб сўровларни аниқлади. Аҳолини рўйхатга олиш бюроси ва штатлар ҳукуматлари ўртасидаги келишувга биноан, ахборот марказлари истеъмолчиларга мавжуд маълумотларга кенг киришни таъминлай бошладилар. Федерал ҳукумат марказларга барча демографик маълумотларни тақдим этди. 1983 йилда демографик маълумот олиш учун маълумот марказларига мурожаат қилган муассасалар таркиби қўйидагича:

- федерал ва маҳаллий ҳукуматлар - 2%;
- илмий муассасалар - 1%;
- оммавий ахборот воситалари - 6%;
- қутубхоналар - 2%;
- жамоат ташкилотлари - 17%;
- ишбилиармонлар - 44%.

Демографик маълумотларга бўлган талаб янги хизмат турини - демографик маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашнинг хусусий марказларини вужудга келтирди. Хусусий фирмалар аҳолини рўйхатга олиш бюросидан демографик маълумотларни сотиб олишни, уни қайта ишлашни ва тадбиркорларга қулай шаклда сотишни бошладилар. Аҳолини рўйхатга олиш бюросида давлат томонидан белгиланмаган шаклларда хужжатлар баъзан тадбиркорлар учун зарур бўлган шаклларни тайёрлаш ва беришни таъминламаганлиги бундай фаолиятнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Керакли

демографик маълумотларни олиш учун хизмат кўрсатувчи компания ташкил қилиш учун сиз дастлаб давлат рўйхатга олиш хизматидан катта миқдордаги маблағни сотиб олишингиз керак. Шундай қилиб, 1970 йилда йиллик аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари 2 минг компьютер магнит ленталарини ташкил этди. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳукуқини олиш учун компания барча маълумотлар нархининг 50 фоизини тўлаши керак эди, яъни. ўша пайтда камида 70 минг доллар. 1980-йилларда. Компьютер маълумотларининг 12 мартадан кўпроқ ошиши туфайли компаниянинг демографик маълумот олиш учун қўшган ҳиссаси 10 минг долларга тушди. Ҳозирги вақтда АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюросининг истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бўлими, нашр қилишдан ташқари, магнитланган рулонларда ва касетларда, стандарт флоппи дискларида маълумотларни 12 доллардан сотмоқда. 600 мегабайтлик лазер дисклари бир донадан 125 дан 250 долларгача туради. 1980-йилларнинг ўрталарида Бешта энг йирик демографик фирмалар (САСИ, Слеритес, Донеллӣ маркетинг маълумот тизимлари, Миллий режалаштириш маълумотлари корпоратсияси, Урбан дизайн тизими) АҚШда иш олиб борган ва ҳар йили ўз хизматлари учун 45 миллион долларгача пул олган. демография журнали. Таклиф этилаётган хизматларнинг асосийларидан бири бу мамлакат бўйлаб истеъмол тармоқларини мақбул тақсимлаш учун маълумотларни тақдим этишdir. Бу дўконлар ёки касалхоналар, таъмирлаш устахоналари ёки сартарошхоналар, ресторон ёки кафелар, банклар ёки валюта айирбошлиш шохобчалари тармоғи бўлиши мумкин. Истеъмол нуқталарини минтаقا ёки мамлакатга жойлаштириш орқали тадбиркорлар потентсиал истеъмолчилар ҳақида иложи борича кўпроқ маълумотга эга бўлишни хоҳлашади. Тадбиркорлар томонидан энг қўп талаб қилинадиган демографик кўрсаткичлар орасида қуйидагилар ажралиб туради:


- уй хўжаликларининг сони ва тури;
- аҳоли, унинг ёши, жинси, этник, маълумоти ва касбий таркиби;
- ажралиш ҳолати;

- туғилиш ва ўлим даражаси;
- аҳолининг даромадлари бўйича тақсимланиши;
- миграция ҳаракатчанлиги.

### 3.2 Ҳарбий демография, амалий демография

Буюк географик кашфиётлар натижасида янги қитъаларнинг очилиши, кашф этилган материклар табиий бойликларини ўзлаштиришга ривожланган мамлакатларнинг интилиши, жаҳон урушлари аҳоли ҳаракатида муҳим ўзгаришларни келтириб чиқарди. Айниқса, ўтган XX асрда жаҳон урушлари оқибатида дунё аҳолисининг ҳудудий тақсимотида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жумладан, туғилиш, ўлим, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шу боис, аҳоли унинг табиий ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш фалсафа, иқтисод, социология каби фанлар намоёндалари билан бир қаторда, биринчи навбатда, географ олимлар диққатини ҳам ўзига жалб этди. Бугунги кунда мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида инсон омили, унинг интелектуал салоҳияти энг биринчи омил сифатида қаралмоқда.

Ўз навбатида, демография қуйидаги фан тармоқларига бўлинади:



Демографик статистика – демографиянинг тарихий тармоғи бўлиб, аҳоли такрор барпо бўлишининг тарихий қонуниятларини ўрганади.

Статистик демографиянинг вазифалари аҳолининг тақорор барпо бўлишига оид материалларни тўплаш ва дастлабки қайта ишлаш, демографик жараёнларни статистик таҳлил этиш ва кузатиш методларини ишлаб чиқишидан иборат.

Математик демография – демографик жараёнларни моделлаштириш ва башоратлаш ҳамда улар ўртасидаги алоқадорликни ўрганишнинг математик усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан шугулланади. Демографик моделларга туғилиш, ўлим, никоҳ жадвалларининг аниқлиги, стационар ва барқарор аҳоли модели кабилар киради.

Тарихий демография – мамлакатлар ва халқлар тарихидаги демографик жараёнлар ҳолати ва динамикасини ўрганади.

Этник демография – аҳоли тақорор барпо бўлишининг этник хусусиятларини тадқиқ этади. Халқлар турмуш тарзининг этник хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари, оиласвий муносабатлар таркиби кабилар аҳолининг туғилиш даражаси, ўртacha умр кўриши ва саломатлиги ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодий демография – аҳоли тақорор барпо бўлишининг иқтисодий омилларини тадқиқ этади. Иқтисодий омиллар деганда, жамият ҳаётининг барча иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда уларнинг туғилиш, ўлим, никоҳланиш даражасига, аҳолининг ўсиш даражасига таъсири тушунилади.

Социаль демография – демографик жараёнларга аҳолининг субъектив ҳаракати, ижтимоий, ижтимоий-психологик таъсирини ўрганади.

«Аҳоли географияси ва демография асослари» номли курснинг предмети аҳолининг табиий ўсиши ва унинг тақсимланиши билан боғлиқ географик жараёнлардир.

**Ҳарбий демография-** демографияда ҳарбий омил, бизнес ва ҳарбийлар миқдорлари билан иқтисод орасида боғлиқликни ўрганадиган энг мухим аҳамиятга эга бўлган илмий фан. Бу демографиянинг энг қизиқарли қисмларидан бири бўлиб, унинг тадқиқот йўналиши аҳолининг кўпайиши ва бошқа кўп нарсалар билан боғлиқ салоҳиятли ҳарбий захирани ҳисоблашни

ва аҳолининг ҳарбий миграциясини, ҳарбий йўқотишларни, хизмат пайтида йўқотишларни, ҳарбий ҳаракатларнинг таъсирини ўрганишни ўз ичига олади. Ҳарбий демография кўплаб бошқа фанлар, жумладан тиббиёт, ҳарбий статистика ва кўплаб ҳарбий фанлар билан ҳамкорлик қиласи. Масалан, ҳарбий демография масалалари жамоатчиликни ҳозирги хизмат пайтида аскарларнинг ўлими тўғрисида ташвишлантираётган масалалар билан боғлиқ ҳолда жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Агар кимдир вафот этган бўлса, демак ... совуқдан ёки қўчага чиқиб, силжиб, ииқилиб тушган ... тобут! Аммо энди, бир оз бошқача сабабларга кўра ўлим тобора қўпайиб бораётганда, ўтган йиллар статистикасини қайта қўриб чиқиши мантиқан тўғри келади. Масалан, мукаммал соғлом йигит армияга кетган, кейин бир неча кун ичидан гриппдан тўсатдан вафот этган ва бу ерда ҳеч ким айбдор бўлмаган ҳолатлар қанча бўлган. Агар биз ушбу саволларни кўтарадиган бўлсак, унда ҳарбий аппаратни қайта қуриш ҳақида ўйлаш мантиқан тўғри келади.

Шунингдек, энг муҳим масалалардан бири бу ҳарбий хизматнинг қийинлиги туфайли жойдан жойга кўчиб ўтишга, шаҳарларни ва ҳатто мамлакатларни ўзгартиришга мажбур бўлган ҳарбийларнинг қўчиши. Аммо улар кўпинча оилалари билан кўчиб кетишади, болалар турли шаҳарларда туғилади. Буларнинг барчаси ҳисобга олиниши ва ёзилиши керак. Бундан ташқари, ҳарбий миграция жараёнлари, шунингдек, маданиятлар, миллатлар ва генлар алмашинуви (баъзан уруш даврида зўравонлик). Уруш жараёнида меҳнатга лаёқатли эркаклар сони кескин қисқарди (ўлим туфайли ҳам, ногиронлик туфайли ҳам), навбати билан келажакда - туғилиш камаяди. Албатта, бу ҳарбий демографияни ўрганишнинг барча йўналишларини; ҳарбий йўқотишларимиз, урушлар туфайли қўчишлар; урушларнинг бизни қўпайишига таъсирини ўрганиш ва унинг соғлиғи; демографик урушларнинг оқибатларини қамраб олади. Ҳарбий ишлар бўлимларидан бири бу ҳарбий мобилизатсия ва ҳарбий хизматдан бўшатишни ўрганишдир, унинг миқёсида ижтимоий ҳаракатчанлик, миграция ва қўпайиш биз тўғридан-тўғри боғлиқдир. 1914-18 йилларда тахминан 70 миллион, 1939-45 йилларда 110

миллиондан ортиқ меҳнатга лаёқатли эркак қуролли Кучларда сафарбарликдан ташқари, замонавий шароитда урушлар, миллионлаб эркаклар ва аёллар орқада, турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жалб қилинган. Шундай қилиб, Буюк Британияда 1944 йилда армияда ва ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлган 22 миллион меҳнатга яроқли кишининг 47 фоизи Қуролли Кучларда хизмат қилаётган фуқаролар эди. Жаҳон урушлари пайтида сафарбар этилганларнинг улуши нисбатан юқори бўлиб, меҳнат ресурслари таркибини кескин ўзгартиради. Шундай қилиб, 1-жаҳон урушида, урушаётган давлатларнинг аксарияти учун ўртacha 12-15% сафарбар қилинган. Уруш йилларида сафарбар қилинганларнинг мутлақ сони: Россияда - 15 миллион, Германияда - 13 миллион, Австрия-Венгрияда - 9 миллион, Франсияда - 8 миллион, Буюк Британияда мустамлакалари - тахминан. 8 миллион, Италия - тахминан. 6 миллион, АҚШ - тахминан. 4 миллион Германия, Австрия-Венгрия ва Франсиядаги 18-45 ёшдаги эркаклар, тахминан. 35%, Буюк Британияда - тахминан. 26% (Г.А Баткис маълумотларига кўра). Урушларда ҳаётни йўқотиш бундай аҳоли сонини камайтириш каби оқибатларга олиб келади ҳамда унинг ёш-жинсий тузилишидаги ўзгариш, нотекис ўсиш каби демографик ҳолатга олиб келади. Урушларнинг бизга тўғридан-тўғри таъсири билан бир қаторда, унинг соғлиғи, туғилиш, никоҳ, ўлим, касаллик, шунингдек унинг жисмоний ўзгариши ривожланиш бизни билвосита йўқотишларимизни ҳам текширади.

**Амалий демография-** аҳоли ва демографик жараёнлар ҳақидаги маълумотларни шаҳарлар ва қишлоқларни, курилишни, ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда, умуман инсон ҳаёти учун зарур бўлган воситаларни режалаштиришда ишлатилиши.

Амалий томондан демографик тадқиқотлар доирасига бутун мамлакат ёки унинг алоҳида худудларидаги аҳолиси ёки маълум аҳоли гуруҳларининг демографик вазиятини таърифлаш, демографик жараён ва омилларини таҳлил этиш киради. Туғилиш ва ўлимнинг турли авлодлар, турли ижтимоий гуруҳлар ва ҳар хил худудлардаги хусусиятларини тадқиқ этишга асосланиб,

демография буларнинг келгусида кутилаётган ўзгаришларининг демографик башоратларни ишлаб чиқиб, баҳо беради. Демографиянинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, аҳолишунослик бутун ишлаб чиқаришнинг ижтимоий жараёнининг асосий обьекти ва субъекти саналади. Шу боис демографик тадқиқотлар жамият тўғрисидаги илмий билимлар тизимининг катта қисмини ташкил қиласди, инсоният демографик тараққиётининг диалектик – материалистик нұктай – назардан талқин этилиши, бу илмий дунёқарашнинг ажралмас бир бўлагидир. Демографияга, бошқа ижтимоий фанлар каби, тадқиқот обьекти ва натижаларига синфий ёндашув хосдир. Аҳолининг амалдаги ва тахминий сони, таркиби ҳақидаги маълумотлар режалаштириш, хусусан меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш воситаларини жойлаштириш, уй – жой қурилиши, соғлиқни сақлаш кабилар учун дастлабки материал сифатида хизмат қиласди.

### **3.3. Демографик прогноз, иқтисодий демография**

Халқ хўжалигини бошқариш ва режалаштиришнинг илмий даражасини кўтаришда аҳолининг келажакдаги сонини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Шу боисдан аҳоли статистикасининг асосий вазифаларидан бири ҳам аҳолининг кейинги йиллардаги сонини аниқлаб беришdir. Маълумки, аҳолининг кўпайиш истиқболини белгилашда хилма-хил усуллардан фойдаланилади. Аммо, бу усуллар орқали бажарилган ҳисоб-китоблар барчаси келгусида шаклланадиган демографик таркибни аниқлаш, ҳудуд миқёсида табиий кўпайиш ва миграция сонини илмий тахмин қилиш, шаҳар билан қишлоқ аҳолиси нисбатини олдиндан билиш, меҳнат ресурслари, унинг ҳудудий жойлашиши ҳамда демографик таркибини олдиндан таҳлил қилиш каби масалалар ечимини топиш мумкин. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда келгуси 20-30 йил орасини башорат қила олишдан иборатdir.

Башоратлар аҳолининг умумий сони бўйича жинсий, ёш ва бошқа таркиби, табиий ҳамда механик ҳаракатлари (туғилиш, ўлим, табиий ўсиш;

келган ва кетган аҳоли) ва ҳоказоларда амалга оширилади. Улар қисқа муддатли (1-5 йил), ўрта муддатли (5-25 йил) ва узок муддатли (25 йилдан ортиқ) бўлади.

Аҳолини прогнозлаш қуидаги усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

1. математик функциялардан фойдаланиш;
2. аҳоли такрор барпо бўлишининг демографик модели бўйича;
3. тадрижий ўзгаришга статистик таъриф;
4. ёш силжитиш усули.

Аҳоли прогнози учун демографик сиёsatнинг ҳозирги вазиятини ва келажакдаги ҳолатини тахминий бўлсада ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли сонини башоратлаш бўйича турли мамлакатларда уринишлар XVII аср бошларида бошланган. Даставвал англиялик олимлар Д.Граунт ва В.Петтилар Англия аҳолисини башорат қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Россияда бу соҳада XVIII аср охирларида рус математик олими Л.Эйлер ва машҳур демограф Н.Герман (бу олим биринчи марта Россия аҳолиси сонини башорат қилган)лар шуғулланишган. Собиқ совет статистикасида 1920 йил академик С.Г.Струмилин биринчи марта 20 йил олдинга башорат қилган. Олдинги даврларда амалга оширилган башоратларда энг муҳими ҳозирги ҳолатни ўтган давр билан таққослашга асосланган бўлса, охирги йилларда башоратлаш ўта нозик усулларда амалга оширишни зарур қилиб қўймоқда. Келажакни кўриш учун аҳолига нафақат унинг умумий сонига балки барча алоҳида-алоҳида таркибининг элементларига таъсир этувчи омилларни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганишни талаб этади. Аҳолининг келгусидаги сонини аниқлашда кўпроқ аҳолининг умумий сони тўғрисида ёки унинг ҳар бир ёш гурӯҳи сони бўйича сўз юритилади.

Айтайлик, аҳолининг умумий сонини башоратлаш зарур. Бунда аҳолининг маълум бир вақтдаги сони олинади ва туғилиш, ўлим ҳамда табиий ўсиш коэффициентлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Бу коэффициентларни келгуси йилларнинг маълум бир вақтларигача ўзгармас бўлади деб тахмин қиласайлик яъни бир хил режимдаги такрор барпо бўлиш асосида аҳолининг умумий сонини маълум бир ( $t$ ) йилга қуидагича ҳисоблаб аниқланилади.

$$S_t = S_0 \left(1 + \frac{K}{C}\right)^t$$

Бу ерда  $K$ -бир йилдаги аҳоли кўпайишининг умумий коэффициенти.

С-ҳисоб-китобда 100 ёки 1000 га тенглаштириб олинган:

Масалан, 1990 йилда бир шаҳар аҳолисининг сони 520 минг кишини, туғилиш, ўлим ва механик кўпайиш коэффициентлари 20, 12 ва 2% ташкил қилган бўлса, аҳолининг сони 5 йилдан сўнг қанчага тенг бўлади?

$$S_t = 520 \left(1 + \frac{20 - 12 + 2}{1000}\right)^5 = 520(1.01)^5 = 546.5 \text{ минг киши.}$$

Бу ҳисоб-китобда туғилиш, ўлим ва механик ўсиш коэффициентлари ўзгармас деб олинди, аммо ҳар доим ҳам шундай бўлмасдан улар турли омиллар таъсирида ўзгариб туради. Шу боисдан бу усулдан факат қисқа муддатли башоратларда фойдаланилади, узоқ муддатлilarда ҳақиқатдан анча йироқ бўлганлиги боис қўллаш эҳтимоллиги камдир. Профессор Э.А.Ақрамов ва Н.М.Соатовлар ҳам аҳолининг перспектив сонини ҳисоблашда юқоридагидек глобал ва ёшнинг силжитиш усулини келтиришади (1979 й, 191 бет).

$$A_2 = A_1 \left( 1 + \frac{K}{1 - \frac{1}{2}K} \right)$$

$$A_2 = 120 \left( 1 + \frac{0.0170}{1 - \frac{1}{2}0.0170} \right)$$

Аҳолининг келажақдаги сони статистик тавсифдан яъни ўртача, абсолют ўсиш ва аҳолининг ўртача ўсиш ва қўпайиш суръатлари кабилардан фойдаланган ҳолда башоратланади. Буларни келгусида ўзгармас деб, тахмин қиласизда, аҳолининг келажақдаги сони қуидаги формула ёрдамида топамиз:

$$S_t = S_0 + t\bar{\Delta}t;$$

$$S_t = S_0 \cdot \overline{T_p}^t;$$

$$S_t = S_0 \left( 1 + \overline{T_{np}} \right)^t;$$

бу ерда  $\bar{\Delta}t$ -ўртача абсолют ўсиш;

$\overline{T_p}$  - ўртача ўсиш суръати;

$\overline{T_{np}}$  - ўртача қўпайиш суръати;

$S_0$ -дастлабки йил бошидаги аҳоли сони.

Масалан, Ўзбекистон аҳолиси 1989 йили 19.9 млн. 1999 йилда 24.4 млн. кишини ташкил этган, умумий мутлоқ ўсиш 10 йилда 4.5 млнга teng бўлган. Шундан,

$$\bar{\Delta} = \frac{4.5}{10} = 0.45;$$

$$\overline{T_p} = \sqrt[10]{\frac{24.4}{19.9}} = \sqrt[10]{1226} =$$

$$\overline{T_{np}} =$$

тeng бўлган ҳолда 10 йилдан кейин 2019 йилда республика аҳолисининг сони ўртача мутлоқ кўпайиш бўйича

$$S_{2009} = 24.4 + 10 \cdot 0.45 = 28.9 \text{ млн.}$$

ўртача ўсиш суръати бўйича  $S_{2009} = 24.4( )^{10} = \lg S_{2009} = \lg 24.4 + 10 \lg .$

$$\lg S_{2009} =$$

худди шунаقا маълумот оламиз. Бундан ташқари аҳолининг келажақдаги сонини маълум вақтдаги динамик қаторларни аналитик тенглаштириш усули орқали ҳам аниқлаш мумкин.

*Ёшининг силжисии* усулида аҳолининг келажақдаги сонини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади.

$$L_x \cdot P_x = L_{x+1}$$

Бу ерда  $L_x$ -x ёшгача яшаши мумкин бўлган аҳоли сони.

$P_x$ - x $\zeta_1$  ёшгача яшаши мумкин бўлган эҳтимоллик,

$L_{x\zeta_1}-x\zeta_1$  ёшгача яшаши мумкин бўлган аҳоли сони.

Бунда, ҳар бир ёшдаги аҳоли сони ( $L_x$ ) ҳар бир ёш яшаши мумкин бўлган эҳтимоллик коэффициенти ( $P_x$ ) ёрдамида бир ёшдан( $L_x$ ) иккинчи ёшга  $L_{x\zeta_1}$  «силжитилади». Буни қуйидаги жадвалда бажарилган амаллардан кўриш мумкин:

20-жадвал

Аҳолининг жорий йил охиридаги сони	Келгуси 1-йил бошида бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони	Келгуси 2-йил бошида бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони	Келгуси 3-йил бошида бўлиши мумкин бўлган аҳоли сони
$L_{17}$	$L_{18}\zeta L_{17} \cdot L_1$	$L_{19}\zeta L_{18} \cdot L_1$	$L_{20}\zeta L_{19} \cdot P_1$

$L_{18}$	$L_{19} \cdot L_{18} \cdot L_1$ 8	$L_{20} \cdot L_{19} \cdot P_1$ 9	$L_{21} \cdot L_{20} \cdot P_2$ 0
$L_{19}$	$L_{20} \cdot L_{19} \cdot L_1$ 9	$L_{21} \cdot L_{20} \cdot P_2$ 0	$L_{22} \cdot L_{21} \cdot P_2$ 1
$L_{17} \cdot K \cdot L_{18} \cdot K \cdot L$ 19	$L_{18} \cdot K \cdot L_{19}$ $K \cdot L_{20}$	$L_{19} \cdot K \cdot L_{20} \cdot K \cdot L$ 21	$L_{20} \cdot K \cdot L_{21} \cdot K \cdot L$ 22

Бу усулни қўллаш тартибини қўйидаги шартли рақамларда кўриб чиқамиз (21-жадвал). Шу маъмумотларга асосланиб, уч авлоднинг истиқболидаги сонини бўлажак 1,2 ва 3 йиллар, яъни 1999, 2000 ва 2001 йиллар учун аниқланади. Ечиш учун жадвалнинг сўнгги устунларини тўлдирамиз.

Демак, 1998 йилдаги 17 ёшли 3786 кишидан:

- 1999 йилга келиб:

$$j_{18} = j_{17} \cdot P_{17}$$

$$j_{18} = 3786 \cdot 0.99641 = 3772 \text{ киши};$$

- 2000 йилга келиб:

$$j_{19} = j_{18} \cdot P_{18}$$

$$j_{19} = 3772 \cdot 0.99600 = 3757 \text{ киши};$$

- 2001 йилга келиб:

$$j_{20} = j_{19} \cdot P_{19}$$

$$j_{20} = 3757 \cdot 0.99562 = 3740 \text{ киши колар экан};$$

Шу тариқа бошқа ёшдаги аҳоли сони ҳам тегишли йиллар учун ҳисобланган. Ҳисоблашда механик ўзгариш коэффициенти эътиборсиз қолдирилган.

**Ёшни силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблаш тартиби**

	Мазкур	Хар бир	Йил бошидаги ёшлар
--	--------	---------	--------------------

ш	ёшдаги аҳолининг 1998 йил бошидаги сони	ёш яшаши мумкин бўлган эҳтимоллик коэффициенти	1999	2000	2 001
			$j_{x+1} = j_x \cdot P_x$		
6	3786	0,99641	-	-	-
7	3764	0,99600	$3786 \cdot 0,99641 = 3772$		-
8	3742	0,99562	$3764 \cdot 0,99600 = 3749$	$2 \cdot 0,99600 = 3757$	-
9		0,99526	$3742 \cdot 0,99562 = 3736$	$9 \cdot 0,99562 = 3732$	$3757 \cdot 0,99526 = 3732$
0		0,99503	-	$3726 \cdot 0,99526 = 3708$	$3732 \cdot 0,99503 = 3732$
1		0,99498	-	-	$3708 \cdot 0,99498 = 3708$

Бу усулдаги ҳисоб-китобларда механик ўзгариш коэффициенти эътиборсиз қолдирилган.

Махсус тадқиқотлар кўрсатишича, фарзандлар туғилишини бошқариш, назорат этиш буйича ҳаракатлар жуда қадимдан, турли халқларда маълум даражада тарқалган экан. Хомнланинг олдини олиш услублари, воситачарн ҳамда аборт килиш (хомилани сунъий йул билан нук килиш) буйича кўрсатмалар қадимги донишмандчар Гиппократ, Аристотель (мич.ав.П аср) ва тиббиёт олимлари Али-ибн Аббос (Х аср), Абу Али ибн Сино XI аср) асарларида учрайди. Лекин бу кўрсатмалардан қадимда никоҳеиз фарзандлар туғилишиниг олдини олиш мақсадида қўпроқ фойдачанилган.

Оилада никоҳли фарзандлар тупишишини чсклашга эса ижтимоий зарурат бўлмаган. Кўп бола қуриш жамият томонидан қўллаб-кувватланган.

чунки унинг ҳам модций, ҳам маънавий устунликчари кўп эди; ундан ҳам оила, ҳам жамият манфаатдор бўлган. Капиталисток ишлаб чиқариш усулининг кенг ёйилиши оиланинг қўп болага бўлган талабини анчагина чеклаб куйди, натижада оша муҳитида фарзандчар туғилишини режалаштириш ҳам кенг таркала бошлади.

Хозирги даврда жамиятда оилани режалаштиришни асосан нкки йуналишда кўрсатиш мумкин.

Биринчи йуналищ. Бунда ҳар бир оила ихтнёрий равишда фарзандлар туғилишини бошқаради. Яъни, оила асосинн ташкил этган никоҳ жуфтлари (эр-хотин) ўз хошилари билан оилада ўзлари истаганча фарзанд куришга интиладилар ва бу фарзандларнинг туғилиш оралиқчарини ҳам ўзлари белгилайдилар. Бундай ҳолда улар, ўз истакларидан ортиқча фарзанд курмас.чик учун хомиладорликни олдини олевчи турли воситалардан фойдаchanадилар ёки хомилани аборт ёрдамида йук киладилар.

Оилани ихтиёрий усулда режалаштириш. асосан, иқтисодий тараққий этган давлатларда. аҳолининг, айниқса аёлларнинг маълумотлилик даражаси юқори бўлган, **аёллар** ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳолларда. тиббиёт ривожланган, хомиладорликни олдини олевчи воситалар мавжуд ва улардан фойдаланиш кенг тарғибот этилган шароитларда тарқалгандир.

Иккинчл йуналиш - оилани давлат томонидан, сиёсий йўл билан режалаштириш. Бунда оилани режалаштириш давлат дастурша киритилади ва оилада болачар туғилиши давлат томонидан назорат этиб борилади. Шунинг учун ҳам баъзи давлатларда ва хачкаро мутасадди ташкилотларда оилани режалаштириш деганда туғилишни чеклашга қаратилган «туғилишни назорат этиш» давлат дастури тушунилади.

«Туғилишни назорат этиш» дастури XX аернинг иккинчи ярмидан бошлаб Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги давлатлар томонидан кенг кулланила бошланди. Бунинг асосий сабаби, ушбу давлатларда XX аернинг ўрталарнда аҳолининг жуда тез суръат билан кўпайиб бориши бўлди. Масачан 1900-1950 йилларда ривожланаётган давлатлар аҳолиси йилига

ўртача I фоиздан кўпайиб келган бўлса, 1950-1965 йилларда бу кўрсаткич 2-3 фоизни ташкил этди. Африкадаги баъзи давлатларда эса аҳоли йилига ўртача 4 фоиздан кўпая бошлади. Ушбу давлатларда аҳолининг бундай тез кўпайиши, табиийки, бутун ср шари аҳолией миқдорининг ҳам кескин ошиб боришига олиб келди. Чунки «учинчи дунё» деб аталмиш Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган давлатларда дунё аҳолисининг учдан нкки қисми яшайди.

Ривожланаётган давлатларда XX аернинг ўртачарида аҳоли сонининг ана шундай тез суръат билан щсиши, асосан, учта демографик омилга боғлиқ бўлган. Удардш биринчиси -туғилишнинг юқори даражада сакланиб қолинни. 1950-1960 йилларда дунёдаги иқтисодий ривожланган Европа, Шимолий Америка давлатлари ва Японияда ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 16-22тани ташкил этган бўлса, ривожланаётган давлатларда 35-45, Африкадага баъзи давлатларда эса 50-60тани ташкил этди. Туғилишнинг юқори бўлиши, биринчи навбатда ушбу давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқдир.

Аҳоли сон жихатидан тез кўпаяётган давлатларда ибтидоий ва феодал жамиятлар муноеабатларининг сакланиб колиши, ҳамда мустамлака тузумининг узоқ ҳукм суриши, уларнинг иқтисодий жиҳатдан колок афар регионлар сифатида сакланиб колишига сабаб бўлди. Натижада, саноат ривожланмади. Аҳолининг асосий қисми ханузгача қишлоқларда истиқомат қилиб келмоқда. Қишлоқ турмуш тарзи эса, туғилишнинг юқори бўлишига олиб келувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ундан ташкари, аёлларнинг ижтимоий тенгеизлиги, аҳолининг саводлилик даражасининг ниҳоятда пастлиги, қатор мусулмон давлатларида кўпболаликни қўллаб-қувватловчи анъаначарнинг мавжудлиги, **ҳомиладорликнинг** олдини олувчи воситаларнинг ва улар ҳақидаги тушуичачарнинг кенг таркалмаганлиги каби омиллар ҳам «учинчи дунё»да аҳоли туғилишиннинг юқори бўлишига сабаб бўлди.

Бундай давлатлар аҳолисининг кўпайишнга олиб келувчи **иккинчи**

демографик омил - аҳоли ўлимицинг кескин камайишидир. Статистик маълумотлар кўрсатишича, ушбу тоифадаги давлатларда 1950 йили ҳар 1000 кишига нисбатан улганлар сони 15-22тани ташкил этган бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткич 8-10 тани ташкил этди. Айниқса, болалар ўлими камайди. Масалан, 1950 йили ҳар 1000га тукшнан болалардан Венесуэлада-81, Гватемалада-107, Эквадорда-110, Мисрда-153та нобуд бўлган бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткичлар, қайд этилган тартибда 48; 93; 93 ва 8 тани ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда. бу давлатларда (кейинги саҳифаларда «ривожланаётган» тарзида берилади) 1950-1965 йилларда аҳоли ўлими 1,5-2 марта камайган. Аҳоли ўлимининг бундай қисқа даврда кескин камайиши, асосан, ривожланаётган давлатларга БМТ ва бошқа хайрия ташкилотлари томонидан ахолига тиббий ёрдам берилиши натижасида, турли эпидемия ва юқумли касалликларнинг камайиб кетиши билан боғлиққдир. Ривожланаётган давлатларда аҳоли сонининг кўпайишига

- оила асоси, ядросини ташкил этган эр-хотиннинг қўша қариши, яъни умрларининг охриларига кадар бирга яшашлари;
- оиласида фарзандларнинг мавжудлиги ва уларнинг «сифатли» -яъни жамият учун фонда келтираднган соглом, комил инсон этиб тарбияланиши;
- олтада истиқомат этувчи барча оила аъзоларининг маънавий бойлиги ва илмий етукпиги;
- инсоният тараққиётига, жамиятга, авлод давомийлигига ижобий омил бўлувчи маънавият ва қадриятларни оипада сакланиши па унга амал этилиши;
- жамият ва давлат, келажак авлод томонидан эъзозланиши.

Ушбу кўрсаткичларнинг мужассам бўлиши оиланинг атрофлича тараққий этишини такозо этади. Оила тараққиёти асосан уч йуналишда белгиланади (демографик, иқтисодий ва ижтимоий).

- Оила сиёсатининг дастлабки мақсади оиланинг нормал демографик тараққиётини таъминлашдир.

• Оила сиёсатининг навбатдаги мақсади оиланинг ижтимоий тараққиётини таъминлашдир.

• Оила сиёсатининг яна бир мухим вазифаси оиланинг иқтисодий тараққиётини таъминлашдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Демография қандай фан тармоқларига бўлинади?
2. Ҳарбий демография нима?
3. Амалий демография.... бу?
4. Иқтисодий демография нима?
5. Ёшли силжитиш усулида аҳолининг истиқболдаги сонини ҳисоблаш тартибига изоҳ беринг.
6. Оила тараққиёти неча йуналишда белгиланади?

### **Адабиётлар:**

1.Абдалова З.Т., Тожиева З.Н. Иқтисодий география. Ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТМИ. – Т.: «ИҚТИСОДМОЛИЯ», 2013. -212 бет.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-Амалий машғулот:**

**Аҳоли географияси ва демография фанларининг мазмуни ва асосий бўлимлари. Аҳоли географияси ва демография фанининг хорижда ва Ўзбекистонда ривожланиши (2 соат).**

**Ишдан мақсад:** Аҳоли географияси ва демография асослари фанларининг бошқа фанлар билан алоқасини, Аҳоли географияси фанининг ўрганиш предмети ва вазифалари, Аҳолини дунё миқёсида тадқиқ этишда географларнинг роли, Фанлар тизимида аҳоли географиясининг ўрнини баҳолаш, Аҳоли географияси бўлимларини солиштириш, Аҳоли географияси ва демография асосларининг асосий йўналишларини кўрсатиб бернишдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** Муаммонинг кўламлари, катта-кичиклиги ва Аҳоли географияси ва демография асосларининг қисмларга бўлиниши. Жорий регистрлар, карототекалар.

**Ишни бажариш учун вазифа:** Географик фанлар тизими ва вужудга келган янги йўналишларини аниқлаш ва Аҳоли географияси ва демография асосларининг фанлар тизимидағи ўрни ва қисмларини ўрганиш.

### **Топшириқлар:**

1. Танлама ва махсус тадқиқотлар

.....

.....

.....

2. Аҳолини рўйхатга олиш турлари ва аҳолини рўйхатга олишнинг асосий шартлари.....  
.....  
.....
3. Аҳоли географияси ва демография фанларининг хорижда ривожланиши.....  
.....  
.....
4. Аҳоли географияси ва демография фанларининг Ўзбекистонда ривожланиши  
.....  
.....  
.....  
.....  
....

## **2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:**

**Мавзу. Демография ва геодемография. Аҳолишуносликнинг назарий асослари, демографик сиёсат ва демографик концепциялар, демографик қонуниятлар, демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири ва оқибатлари (4 соат).**

**Ишдан мақсад:** Аҳоли географияси ва демография асослари фанларида геодемография ва демографиянинг маъзмун моҳиятини очиб бериш ва бошқа фанлар билан алоқасини ёритиш. Аҳолишуносликнинг назарий асосларида хориж олимларининг ўрни ва роли. Мальтус, Смит назарияларини, жаҳонга машҳур демографик сиёсат ва демографик концепциялар, демографик қонуниятларни кўрсатиб беришдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** Аҳоли географияси ва демография

асосларидаги муҳим жараёнларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётга таъсири ва оқибатлари, кўламлари, катта-кичиклиги.

**Ишни бажариш учун вазифа:** Демография ва геодемография. Аҳолишуносликнинг назарий асослари ўрганиш. Ўзбекистон Республикаси демографик ривожланиш концепсиясининг бўлимларини ишлаб чиқиши.

### **Назорат саволлари**

1. Дунё мамлакатларида оилани режалаштириш ва уй хўжалиги.
2. Оилани режалаштиришда 10 та таклиф ва тавсиялар беринг.
3. Оилани режалаштириш халқаро федерациялар ва халқаро ташкилотлар фаолиятлари.
4. Фарзандли оиласаларга бериладиган ёрдам чоралари қандай гурухларга ажратилади?
5. Ўзбекистонда оиласаларни ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақаларнинг қандай турлари берилади?
6. Демографик сиёсатнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Демографик сиёсатни ўтказишнинг қандай услубларини биласиз?
8. Туғилиш соҳасида демографик сиёсатни ўтказишдан мақсад нима?
9. Фарзандли оиласаларга бериладиган ёрдам чоралари қандай гурухларга ажратилади?
10. Ўзбекистонда оиласаларни ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақаларнинг қандай турлари берилади?

### **3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

**Мавзу: Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатлари. Демография асослари, сиёсий демография, ҳарбий демография, амалий демография, минтақавий демография, демографик прогноз, иктиносий демография.**

**(4 соат). .**

**Ишдан мақсад:** Ишлаб чиқаришнинг демографик жиҳатларида ижтимоий-демографик хусусиятларининг истеъмолчилар талаблари ва

даромад даражаси орқали истеъмолчиларнинг хулқ-атвори билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш, Минтақавий демография ва ҳарбий демография каби тармоқларнинг роли ва аҳамиятини, амалий демографиянинг ролини ёритиш асосларининг асосий йўналишларини кўрсатиб бериишдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** Демография асослари, сиёсий демография, ҳарбий демография, амалий демография, минтақавий демография, демографик прогноз, иқтисодий демография.

**Ишни бажариш учун вазифа:** Географик фанлар тизимида амалий демографик тадқиқотлар йўналишини жадал ривожлантириш, янги йўналишларини аниqlаш.

### **Назорат саволлари:**

1. Танлама ва махсус тадқиқотлар
2. Аҳоли қайси фанларнинг тадқиқот обьекти ҳисобланади класстерда ифодаланг.
3. Фанни ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
4. Геодемография фани таркибий жиҳатдан қандай тармоқларга ажralади иккита тармогини олиб венна диограммасида ифодаланг.
5. Аҳоли қайси фанларнинг тадқиқот обьекти ҳисобланади класстерда ифодаланг.
6. Геодемография фани таркибий жиҳатдан қандай тармоқларга ажralади иккита тармогини олиб венна диограммасида ифодаланг.
7. Аҳоли ҳаракатининг истиқболдаги кўрсаткичларини баҳолаш учун қандай усуллардан фойдаланилади?
8. Демографик прогнознинг қандай шакллари мавжуд?
9. Прогнознинг тасдиқланиши деганда нимани тушунасиз?
10. Демографик прогнозларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тушунтириб беринг.

## V. ГЛОССАРИЙ

**Аҳоли деганда** – малум ҳудудда яшайдиган кишилар гурухи тушинилади. Шу боисдан илмий – географик тадқиқотларда аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларини атроф мухит ва хўжалик билан бевосита бөг'лиқ ҳолда тадқиқ этишади .

**Антропология** (грек тилидан – антропос – “инсон”) инсон организмининг эволютсияси ва ундаги жисмоний о‘згаришларнинг келиб чиқиши қонуниятлари, шунингдек ирқларнинг вужудга келиши ва географик тарқалишини о‘рганиб, у аҳоли географияси билан биргалиқда аҳоли меҳнат фаолияти турмуш шароити ва маданиятдаги ҳудудий хусусиятларни ўрганади.

**Ақлий талофат** – юқори малакали кадрларнинг ҳалқаро миграцияси.

**Агломерация** – аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қо`шилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши . Агломератсияларда аҳоли Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади

**Аҳоли географияси** – аҳолининг таркиби, динамикаси ва жойлашувидағи регионал тафовутларни ва бу тафовутларни вужудга келтирадиган омилларни, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг ҳудудий тизимларини ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

**Доимий миграция-** аҳолининг узоқ муддатга (бир йилдан ошик) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

**Демография** – аҳоли жадвали, рўйхати каби маъноларни англатиб, аҳоли ёши, жинси, табиий ва механик ҳаракатини ўрганувчи фандир.

**Демографик жараёнлар** – бирор район, ҳудуддаги аҳолининг туғилиши, ўлим кўрсаткичлари, динамикаси, миграцион ҳаракати, ёш жинс таркибининг маълум муддатдаги ҳолатидир.

**Депопуляция** – маълум худудда комплекс сабабларга кўра аҳолининг камайиши.

**Демография тарихи** – демография асослари нинг алоҳида фан сифатида ривожланиш шарт – шароитлари ва тарихини ўрганади.

**Демографик статистика** – аҳоли сони, таркиби, жойлашуви, такрор барпо бўлиш ва демографик жараёнлар ҳақида статистик услугб ёрдамида ракамли маълумотлар тўплайди.

**Жинс** – жинсий қўпайишни таъминлайдиган, организмнинг генетик, физиологик ва морфологик белгилар мажмуидир

Жинсий таркиб – аҳолининг эркаклар ва аёлларга бўлинишидир.

**Иммиграция-** кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшashi учун бирон бир мамлакатга бошқа давлатлардан кўчиб келиши. Иммиграцияда қатнашган аҳоли “иммигрантлар” дейилади.

**Католиклик** – христианликнинг ягона марказли йўналиши бўлиб, уни Рим папаси бошқаради. Бироқ, католик дини кенг тарқалган давлат Бразилия ҳисобланади.

**Иқтисодий демография асослари-** Аҳоли такрор барпо бўлишининг иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ ҳолда ўрганади; демографик жараёнлар ҳусусиятларини иқтисодий структурага мувофиқ ва мувозанатга таъсирини тахлил этади.

**Мавсумий миграция-** аҳолининг маълум бир вақтга (мавсумга) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

**Миграцион ўсиш** – кўчиб келувчилар ҳисобига аҳоли сонининг ортиши.

**Мокисимон (маятниксимон) миграция** – бирор худудда яшаб, иккинчи худудда меҳнат ресурсларининг ишлаши.

**Моногамия** ёки моногам никоҳ- бу бир эркакнинг бир аёл билан никоҳидир, полигамия ёки полигам никоҳ- бу бир эркакнинг бир неча аёл билан никоҳидир (кўпхотинлилик), ёки бир аёлнинг бир неча эркак билан никоҳидир (кўпэрлилик).

**Никоҳ** - бу эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг, уларнинг бир-бирига ва ўз болаларига нисбатан хуқуқлари ва мажбуриятларининг жамият том **Никоҳ ёши** –бу қонун ёки одат никоҳга киришга рухсат берадиган энг кичик ёшидир.

**Никоҳ структураси** –бу аҳолининг никоҳ ҳолатлари (статуслари) бўйича тақсимланишидир. Никоҳ структураси аҳолини рўйхатга олиш ёки микро рўйхатга олиш маълумотлари бўйича белгиланади.

**Оила** – инсонларнинг табиий, биологик, никоҳ-қон қариндошлиқ, иқтисодий, хуқуқий, иаънавий муносабатларда асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳидир.

онидан қайд этиладиган ва бошқариладиган шаклидир.

**Полиандрия** ёки кўпэрлилик никоҳ шакли жуда кам учрайди; Хиндистон ва Тибетнинг баъзи халқларидагина бор, у ҳам бўлса битта аёлнинг бир нечта ака-укалар билан никоҳда бўлиши шаклидан иборат.

**Прогрессив-** ёш таркибида аҳоли умумий микдорида болалар (0-14 ёшдаги) салмоғи қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) қараганда юқори бўлган ҳудудларда кузатилиб уларнинг аҳолиси мунтазам кўпайиб боради. Бу ёш таркибига Африка ва Осиё давлатларини киритса бўлади. Дунё бўйича 15 ёшдан кичиклар жами аҳолининг 30 фоизини (2003 йил) ташкил қилса, Африкада 42 фоизни, Осиёда 30 фоиз, Европада 17 фоизга teng. Бизнинг республикамиз аҳолиси ёш таркибида айнан шу ёшдагилар дунё кўрсаткичидан баланд (38 фоиз) лиги тилан тафсифланади.

**Протестантлик** – бир қанча оқимларга эга, улар: кальвинизм, лютеранлик, баптизм, англиканлик ва бошқалар.

**Проваславлик** – славян гуруҳидаги халқларда кенг тарқалган. Бироқ, славян гуруҳидаги халқларнинг барчаси ҳам проваслав эмас. Масалан, поляклар католиклар, ёки роман гуруҳидаги халқлардан руминлар проваславлардир.

**Регрессив-** ёш таркибида аҳоли умумий сонида қариялар салмоғи болаларга қараганда юқори бўлади. Бундай ҳолда эса аҳоли сони аста-секин

камайиб боради ва “депопуляция” ҳолати юз беради. Аҳоли “қариб” бориши кузатилади.

**Реэмиграция-** кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватнидан бошқа мамлакатга кўчиб кетиб, муайян муддатдан сўнг яна кайтиб кўчиб келишидир. Реэмиграцияда қатнашган кишилар “реэмигрантлар” дейилди.

**Стационар-** ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида қариялар салмоғи ёшлар билан тенгдир. Стационар ёш таркибида аҳоли сони бир хил миқдорда туради. Аҳолининг тез камайиши ёки камайиши кузатилмайди.

**Тебранма миграция-** аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга ҳар куни ёки ҳар ҳафтада бориб қайтиши.

**Урбанизация** – (лотинча урбанус – шаҳар) – шаҳарлашиш, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва қўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг қўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади.

**Экзоген омиллар-** одамларда ташқи таъсир билан боғлиқ пайдо бўладиган ўлимлар бўлиб бу омиллар оқибатид аҳолининг турли ёшдаги кишилари турли вақтда турли жойда вафот этадилар.

**Эмиграция-** кишиларнинг доимий ёки вақтинча яшаш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши. Эмиграцияда қатнашган аҳоли эмигрантлар деб аталади.

**Эндоген омиллар-** организнинг ички ривожланиши, унинг шаклланиши ва қариши, инсоннинг яшаш фаолияти қобилиятининг пасайишига сабаб бўладиган омиллардир.

**Худудий демография асослари** – маълум ҳудуд, мамлакат, давлатнинг ҳудудий бўлинмасидаги аҳоли сони, ёш – жинсий, оиласвий таркиби демографик жараёнларининг ҳусусиятларини ўрганади.

**Христианлик** – дунё бўйича эътиқод қилувчилар сони энг кўпчиликни ташкил қилувчи дин. Янги эранинг И-асрида пайдо бўлиб, Европада кенг

тарқалган. Унинг асосий йўналишлари: католиклик, протестантлик ва проваславлик.

**Ёш** – инсон туғилганидан ҳаётининг маълум нуқтасигача бўлган давр.

**Ёш аккумуляцияси** – баъзи ёш гуруҳларидаги аҳоли сонини ўзидан олдинги ёш гуруҳидаги аҳоли сонидан ошиб кетиши.

## **VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. - 2002. № 4-5. - 68-модда.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30-сентябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармони.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Абдалова З.Т., Тожиева З.Н. Иқтисодий география. Ўкув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТМИ. – Т.: «ИҚТИСОДМОЛИЯ», 2013. -212 бет.
2. Абдурахманов К.Х., ва бошқалар. Демография. Дарслик. - Т.: «Фан ва технология», 2014. - 368 б.
3. Айрапетов А.М. Таблицы исчисления и среднегодовых темпов роста, прироста и снижения (2-е дополненное издание). – М.: Статистика, 1967. – 158 с.
4. Асанов Г, Набиҳанов М, Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 209 б.

5. Анохин А.А., Житин Д.В. География населения с основами демографии: Учебное пособие. – СПб. Изд-во СПбГУ, 2013. – 307 с.
6. Алисов Н. В., Хорее Б. С. Экономическая и социальная география мира {общий обзор). - М., 2001.
7. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002.
8. Ахмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
9. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси ва Демография асослари. - Тошкент., “Тафаккур», 2011.-160 бет.
10. Бўриева М.Р., Эгамова Д.Н. Дунё аҳолиси: Ривожланиш жараёнлари (ўқув қўлланма). – Т.: Фан, 2008. – 156 б.
11. Бўриева М. Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.,Университет, 1997. - 157 б.
12. Боярский А.Я. Курс демографии: Учеб. Пособие. – М.: Финансы и статистика, 1985. – 391 с., ил.
13. Борисов В. А. Демография. – М.:Издательский дом НОТАБЕНЕ, 1999, 2001. – 272 с.
14. Бутов В.И. Демография: Учебное пособие. Под.ред.В.Г.Игнатова. Второе изд., перераб и доп. – М.:ИКЦ. Март; Ростов н/д: Издательский центр “Март”, 2005. – 576 с.
15. Клупт М.А. Демография регионов Земли. – СПб.: Питер, 2008. – 347 с.: ил.
16. Ковалев С.А. Сельское расселение (Географическое исследование). – М.: МГУ, 1963. – 372 с.
17. Копылов В.А. География населения. Учебное пособие.– М.: 1999. – 124 с.
18. Медков В.М. Демография. - М., 2004.
19. Основы теории народонаселения: - Учеб.пособие для экон. Спец. Вузов/ Д.И.Валентей, В.И.Козлов, Н.В.Панкратьева и др.; Под ред. Д.И.Валентея. - 3-е изд.,перераб.и доп. – М.: Высш. шк., 1986. – 376 с.

20. Перцик Е. Н. География городов (геоурбанистика): Учебное пособие для геогр. спец. вузов. – Высш. шк., 1991. – 319 с.
21. Тожиева З.Н. Иқтисодий ва демографик статистика. – Т., 2002. - 160 б.
22. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (Монография). – Т.: «Фан ва технология», 2010. – 276 б.
23. Қаюмов А.А., Якубов Ў.Ш., Абдуллаев А.Г. Аҳоли географияси ва Демография асослари. – Т.: “Фан ва технология”, 2011. – 160 б.

#### **IV. Интернет сайтлар**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
2. . <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси